



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-27-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши ва халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашининг айrim қарорларини бекор қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 18 июндаги 10-10/1565-сон хати, фуқаро А.Маматқобиловнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига берган мурожаати, Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 29 июндаги 11/1-6/803-сон ва 12/1-6/753-сон хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши Регламентининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қиласди:**

#### **1. Қуйидагилар:**

халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг 2020 йил 9 ноябрдаги 119/19-06-сон қарорини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси талабларига риоя қилинмасдан “Замин Султон Барака” фермер хўжалигига ер ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори асосиз равишда бекор қилинганлиги;

халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгашининг 2021 йил 25 майдаги 168/VI.XXXV-сон қарорини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12, 164, 166 ва 233-моддаларига риоя қилинмасдан фуқароларнинг мулк хуқуқига оид туман ҳокимининг қарори асосиз равишда бекор қилинганлиги эътироф этилсин.

**2. Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг 2020 йил 9 ноябрдаги 119/19-06-сон қарори иловасининг “Замин Султон Барака” фермер хўжалигига тегишли қисми бекор қилинсин;**

халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашининг 2021 йил 25 майдаги 168/VI.XXXV-сон қарори бекор қилинсин.

3. Халқ депутатлари Узун ва Шўрчи туман Кенгашларидан мазкур қарорни навбатдаги сессия кун тартибига киритилишини таъминлаш ва муҳокама натижалари ҳамда айбдор масъул ходимларга нисбатан қўрилган чоралар ҳақида 15 кун муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгashiга ёзма ахборот киритиш сўралсин.

4. Мазкур сессия қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиб масалалари бўйича доимий комиссиями раиси (А.Эшмуродов) ҳамда Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Сувонова) зиммаларига юклатилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.